

Ўсимлик ресурслари ва уни муҳофаза қилиш

Феруза Ахмеджановна Назарова
Бухоро давлат университети

Аннотация: Бирон бир турнинг йўқолиши ёки камайиб кетиши ҳар хил тур популяцияси учун ноқулайлик келтириб чиқаради, зеро, турлар доимо бир-бири билан турлича ўзаро боғланган. Ушбу мақолада сув экотизими ва қуруқлик экотизимларида турлар хилма-хиллигини сақлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммолари ҳақида фикр мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: фотосинтез, ўрмон ўсимликлари, тоғ, чўл, тўқайзор ва водий ўрмонлари.

Plant resources and its protection

Feruza Axmedjanovna Nazarova
Bukhara State University

Abstract: The extinction or decline of a species causes inconvenience to different species populations, since species are always interrelated in different ways. This article discusses the current issues of species conservation in aquatic ecosystems and terrestrial ecosystems.

Keywords: photosynthesis, forest plants, mountain, desert, tugai and valley forests.

Йўқолган турлар: Ҳеч бир инсон динозаврларнинг йўқ бўлиб кетиш сабабини аниқ далиллар билан айтиб беролмайди. Бир нарса аниқки, инсон фаолияти ва табиатга таъсири динозаврлардан кейин пайдо бўлди. Бугун бошқача ҳаёт. Йўқолиб бориш арафасидаги турлар сони ошмоқда. 1980 йилдан 2000 йилгача АҚШ да 40 га яқин ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқ бўлиб кетди. Сабаби, инсониятнинг ер юзини катта майдонларини эгаллаши ва ўзлаштириш, эҳтиёжларини қондириши ҳисобига турлар сони камайибкетмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биологик хилма-хиллик Ер юзида барча экотизимларда мавжуд. Бирон бир турнинг йўқолиши ёки камайиб кетиши ҳар хил тур популяцияси учун ноқулайлик келтириб чиқаради, зеро, турлар доимо бир-бири билан турлича ўзаро боғланган. Сув экотизими ва қуруқлик экотизимларида турлар хилма-хиллигини сақлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Табиат ресурсларидан оқилона

фойдаланмаслигимиз оқибатида, қанчадан-қанча турлар ва нотирик компонентлар хавф остида қоляпти. Табиатнинг чиройли манзараси, кўркам гўшалари, ўзининг ҳайвонот ва ўсимлик оламининг ғаройиботлиги билан ажралиб турувчи биосферани сақлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Биологик хилма-хиллик тропик ўрмонларда, яъни доимий намиқлимли ҳудудларда, жумладан, Эквадордаги Ясуни миллий боғида юқорибиохилма-хиллик мавжуд. Куруклик биохилма-хиллиги океан биохилма -хиллигидан 25 маротаба юқори. Ерюзида мавжуд бўлган 8,7 миллион турнинг 2,1 миллиони океан учун хос эканлиги баҳоланди. Колумбия юқори биохилма-хилликка эга бўлган мамлакат ҳисобланиб, у ерда эндемик турлар кўп. Яъни бу турлар бошқа бир мамлакатда учрамайди. Ерда мавжуд бўлган турларнинг 10% гаяқини Колумбияда учрайди ва 1900 дан кўпроқ қуш турлари Европа ва Шимолий америкага қараганда кўпроқ. Колумбияда дунё сутемизувчи турларининг 10% и учрайди.

Дунёнинг сувда ва курукликда яшовчиларининг 14% и ва дунё қушларининг 18% Колумбияда учрайди. Индонезия дунё гулли ўсимликларининг 10% ини, сутемизувчиларнинг 12% ини, судралиб юрувчилар, амфибиялар ва қушларнинг 17% ини ўз ичига олади. Мадагаскар оролидаги флорада ўсимлик турларининг 66% и эндемик, Янги Зеландия оролида эса 72%, Гавая оролида 82-90%. Жанубий Хитойнинг Чжетсыян провентсиясида Шарқий осийнинггинко дарахти ёввойи ҳолда фақат шуйерда ўсади. АҚШ ғарбидаги бир қанча раёнларда мамонт дарахти фақат шуйерларда ўсади.

Турлар қонун томонидан сақлансада, токи уларнинг табиий муҳити сақланмагунча улар ҳаёт кечира олишмайди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўпинча, табиий муҳитни ёки бутун экотизимни сақлашга асосланган бўлади. Буни бажаришнинг усулларида бири бу табиат муҳофазасини яратиш бўлиб, у худди, халқаро боғлар ва ёввойи ҳаёт ҳудудларини сақлаш каби бўлади.

1872-йилда биринчи Халқаро боғ Еллоу Стоне Натионал Парк ҳисобланиб, АҚШ да ташкил қилинган. Ўша даврда Кулранг айиқ, лосс ва буғулар Шимолий Америка ҳудуди томонга кўчирилиб, жойи ўзгартирилган эди. Бу ҳайвонлар озуқа тўплаш учун ернинг кўплаб ҳудудларини дарбадар кезардилар. Агар уларнинг табиий муҳити кичик бўлса улар яшай олмайдилар. Мисол учун, кулранг айиқ қунига катта миқдорда озукага муҳтож бўлади. Кулранг айиқга ўз қорнини тўйдириши учун бир неча юз км ҳудудлар керак бўлади. Миллий боғлар ва ёввойи ҳаёт ҳудудларисиз баъзи ҳайвонлар ҳозир мавжуд бўлгандан анча кам бўлишлари мумкин эди.

Ўсимликлар дунёси Ердаги ҳаётнинг бирламчи манбаидир. Улар йилига 380 млрд. тонна органик модда ҳосил қилади, бунинг 325 млрд. т. денгиз ва океан ўсимликларига, 38 млрд. т. ўрмонларга, 6 млрд. тоннаси ўтлоқларга тўғри келади. Бундан ташқари ўсимликлар, яъни яшил ўсимликлар туфайли фотосинтез жараёни бўлмаса, ҳаводаги углерод (CO₂)нинг миқдори кўпайиб кишилар ва ҳайвонлар нобуд бўлур эди. Бироқ атмосферадаги сув юзасидан ва тупроқдан келаётган ўша CO₂ гази ўсимликлар томонидан ютилиб, фотосинтез натижасида яшил ўсимликлар атрофга кислородни чиқариб туради.

Шундай қилиб, фотосинтез орқали Ер шарига сув 5,8 млн. йилда, атмосферадаги кислород 5800 йилда, карбонат ангидрид 7 йилда бир марта янгиланиб туради.

Ўсимликлар инсон учун озиқ-овқат, ем-хашак, дори-дармон, кийим-кечак ва бошқа кўпчилик моддаларнинг табиий манбалари ҳисобланади.

Ҳалқимиз томонидан кўп ишлатиладиган ва кенг тарқалган доривор ўсимликлардан фойдаланилади. Буларга исирик, Ермон, чаканда, алойе, наъматак, газанда ва бошқалар мисол бўла олади.

Ўсимликлар инсон организмидаги турли юқумли касалликларни даволашда катта аҳамиятга эга. Инсонлар ўсимликлардан чорва моллари учун ҳам ем-хашак сифатида кенг кўламда фойдаланадилар. Ўзбекистонда ғўза ўсимлиги асосий ҳомашё ҳисобланиб, ундан турли мақсадларда фойдаланилади. Инсонлар ўсимликлардан қурилиш материали сифатида ҳам фойдаланилади. Ўсимликларни инсон ҳаётидаги муҳим томонларидан бири, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришдир, чинор, терак, эман, игна баргли доим яшил ўсимликлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари улар ҳаводаги чангни тозалаб, уни кислород билан бойитади.

Ўсимликлар дунёсидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда ўрмон ўсимликлари алоҳида ўрин эгаллайди. Республикадаги ўрмонлар ягона давлат ўрмон фондини ташкил этади. Ҳозирги вақтда тоғ ўрмонлари 311 минг га майдонни эгаллайди, асосий ўсимлиги арча ҳисобланиб, қолганлари турли-хил дарахт ва буталардан иборат. Чўл ўрмонлари 2,4 млн. га дан иборат. Бу ўрмонларнинг асосий ўсимлиги саксовулзорлардир. Тўқай ўрмонлари илгарилари жуда зич бўлиб, ҳозирда атиги 25 минг га майдонда сақланиб қолган. Водий ўрмонларини маданий иқлимлаштирилган дарахтлар ташкил этиб, улар 12 минг га дан иборат. XX аср бошларида Ўзбекистон ўрмонларининг майдони 4-5 мартага қисқарди. Айниқса тўқай ўрмонлари антропоген тайзикқа дуч келди.

Дунё бўйи ўрмонлар ҳолати қониқарли эмас. Ҳаддан ташқари ўрмонларни кесилиши авж олиб, уларнинг тикланиши этарли эмас. Ўрмонлар кесилишини йиллик ҳажми 3 млрд.м³ ни ташкил этади. Бу ФАО (БМТнинг озиқ-овқат ва қ/х

ташкilotи)нинг маълумотларига қараганда 2000 йилга келиб 1,5 баробарга ортди. Айниқса тропик ўрмонлар (Йер юзининг 7%идан иборат) ҳолати ғоят ташвишлидир.

Аниқ илмий манбаларда келтирилишича, биз яшаб турган ер қурасида бундан 1,5 минг йил муқаддам ўрмонлар 47% майдонни ташкил қилган бўлса, ҳозир улар 27% ни ташкил қилади. Кўп мамлакатлардаги саноат манбаларида фойда кетидан қувиш оқибатида жуда кўп ўрмонлар кесилиб, уларнинг ўрнига катта-катта завод, фабрикалар қурилмоқда. Бу завод ва фабрикаларда чиқаётган чиқиндилар атроф-муҳитни ифлосланиши натижасида кўплаб нодир ва ноёб ўсимлик турлари қирилиб кетишига сабаб бўлмоқда. БМТнинг расмий маълумотларига қараганда саноат ривожлана бошлаган даврдан 250 минг хил ўсимлик тури йўқ бўлиб кетиши хавотир остида эканлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикасида мустақилликка Еришгач атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилди. 1992 йил 9 декабрда «Табиатни муҳофаза қилиш» тўғрисида, 1993 йил 7 майда «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар» тўғрисида ва ниҳоят 1997 йил 26 декабрда «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш» тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ушуб қонунларда табиий шароитда ўсадиган ўсимликлар дунёсини шунингдек, такрор этиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тўғрисида боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. F.A Fayziyeva, F.A Nazarova. Bioecology and useful properties of papaya or melon tree. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 11 (3), 1778
2. Ahmadovich, T. N., Kosimovich, H. Y., Azamovna, J., & Ahmedjanovna, N. F. (2020). The Formation of Water Collector-Resources Drainage Network of Zarafshan Oasis and the Questions of Recycling. *TEST Engineering & Management*, 27380-2738
3. F.A Nazarova, O. Jabborova. Protection of Atmospheric Air and its Role in Nature. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES* 2 (10)
4. D.R Karshieva, F.A Nazarova, Z.H Tolibova. Atmospheric dust and its effects on human health. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 11 (3), 1168
5. Ф. Назарова. Охрана атмосферного воздуха и его роль в природе. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 8 (8).

6. Ф.А.Назарова. BIOECOLOGY AND USEFUL PROPERTIES OF PAPAYA OR MELON TREE. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal 11 (3)

7. Ф Назарова. Охрана атмосферного воздуха и его роль в природе. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 8 (8)

8. Ф.А. Назарова. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭКОЛОГИЯ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY, 81. 2020

9. Назарова, Ф. А. (2016). ВОСПИТАНИЕ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ СРЕДСТВАМИ НАРОДНОЙ ПЕДАГОГИКИ. Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч.-, 127.

10. Ф.А. Назарова, М.И. Мустафаева. Экологический анализ водорослей биопрудов. Учёный XXI века, 24-26

11. М.И Мустафаева, Ф.А Файзиева. Экофлористический анализ водорослевого населения водоемов. Евразийский Союз Ученых, 80-81.

12. F.A Fayziyeva, F.A Nazarova. Bioecology and useful properties of papaya or melon tree. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11 (3), 1778

13. Мустафаева, М. И., & Файзиева, Ф. А. (2016). Сравнение альгофлоры биопрудов г. Бухары с аналогической флорой прудов Узбекистана. Евразийский Союз Ученых, (6-3 (27)), 81-82.

14. Муратова.Г.С, Шарофутдинова Р.И, Турсунбаева.М. Concepts of ecological thinking and education and their formation in the minds of students. Биология и интегративная медицина, 156-161

15. N.R Ochilova, G.S Muratova, D.R Karshieva. The Importance of Water Quality and Quantity in Strengthening the Health and Living Conditions of the Population. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES 2 (5), 399-402

16. R.I Sharofutdinova, A.N. Asadullaev, Z.X. Tolibova. The Factors and Basic Concepts Determining Community Health. Central asian journal of medical and natural sciences 2 (5), 376-379.

17. A. ASADULLAYEV. Jamiyatda sog'lom turmush tarzini tashkil qilishda jismoniy tarbiya va sport mutaxasislarining o'rni. Центр научных публикаций (buxdu. uz) 1 (1)

18. A.N. Asatullayev, O.G. Jabborova Bleeding and its Types, Organization of Emergency Assistance in Bleeding. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630) 13, 111-116

19. ASADULLAYEV, A. (2021). sog'lom turmush tarzini shakllantirishning pedagogik asoslari. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

20. Asadullaev, A. N., & Tolibova, Z. X. (2021). CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES Volume: 02 Issue: 05| Sep-Oct 2021 ISSN: 2660-4159.

21. Tolibova, Z. H., Qarshiyeva, D. R., & Ochilova, N. R. (2020). The role of Human healthy and safe lifestyle in the period of global pandemic-covid 19. The American journal of applied scincer, 2(11).

22. Muratova, G. S., & Qarshiyeva, D. R. (2022). Basic Symptoms of Infectious Diseases. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 13, 117-121.

23. Karshieva, D. R., Nazarova, F. A., & Tolibova, Z. H. (2021). Atmospheric dust and its effects on human health. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 1168-1172.

24. Khayitov, Y. K., Toshbekov, N. A., & Zhumaeva, T. A. Hydrological Assessment Of The Meliorative Condition Of Collector Drink Water In Bukhara Region. Nature and Science.